

ИШЧИЛАР ШАХАРЧАСИ ҚАД РОСТЛАДИ



Мустикалик иншоотларидан бири — Қорақалғонiston Республикасидаги Қўнирот сода заводи қурилиши жердан олиб беришмоқда. Шу кеча-кундузда 1200 нафардан зиёд қурувчилар уни тез ва сифатли барпо этиши йўлида астойдил меҳнат қилишпти. Айни чоғда бу ерда Ишчилар шаҳарчаси ҳам қад ростлаяпти.



СУРАТЛАРДА: Ишчилар шаҳарчасида янги қурилган ичим ошхонанинг умумий қўрилиши; ошпаз Байрамжон Эсжонов хизматидан барча бунёдкорлар мамнун. Тоҳиржон ҲАМРОКУЛОВ олган суратлар.

Тадбиркорлик

“КАФСОР” НОНЛАРИ

Сирғали туманидаги “3-Спутник” дахисада яшовчи бир дустимчилик меҳмонга борувдим. Меҳмон ўзини ҳақиқатан ҳам халқнинг қўлидан олиб берди: “Бу “Кафсор”нинг ноними?” деб сўради. “Ха” деса, кейин сотиб ол, — дея уқтирди.

— “Кафсор” деганингиз нимаси? — қизиқиб сўрадим ундан. — Бизнинг даҳримизда “Кафсор” ҳусеини фирмасининг янги нон пези очилган. Барча топ-конлар нововилар бирим ширин нонлар пиширадики, еганинг сари егинг келавери. Шу боис маҳалламиздаги ҳар бир одам бу фирманинг нонларини сўрайди...

— Цех бошлиғи Муҳаббат Усмонова, Мухаббат Расулова, Анвар Яхшилик, Шухрат Иномиддинов каби нововиларнинг нонларини алоҳида тилга олиб, ифтихор билан: «Қуллари дард кўрмасин улларинг» деди.

Менинг дилимдан ҳам айни шу фикр келди. Ва, албатта, “Кафсор”нинг ҳушам нонларидан харид қилиб, уйга қайтсан.

Асқар ХУСАНОВ, меҳнат фахрийси.

Кўз олдидангизга келтиринг-а. Икки миллион аҳоли истиқомат қиладиган шаҳарда йиғирма яқин канал орқали қизқарли хабар ва кўндалоқлар курсатувлар қамалакнинг етти рангда кечачо-кундуз намоёни этилади. Туран рангда товланувчи ана шу аудювидео оқимлар қарийб 70 километрга буёсан масофага тилик-равши ҳолда узатилади. Ушбу қизқарли ва бисёр хабарлар оқимини «Камалак ТВ» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси таъминлайди.

Муҳбиримиз «Камалак ТВ» қўшма корхонаси бош директори Пулат УМАРОВ билан корхона фаолиятининг айрим қирралари хусусида суҳбатлашди.

— Пулат Холматович, Сиз телекоммуникация соҳаси бўйича тажрибали раҳбар ва мутахассиссиз. Олий мутахассислик, шунингдек, Чилонзор тумани телефон узели ва «Союзтелефонстрой» қурилиш-монтаж бошқармасида биринчи раҳбар лавозимларида ишлаб, катта тажриба мактабидан ўтдингиз. Тошкент шаҳар телефон тармоғини, мана энди қўшма корхонани бошқаряёсиз. Ҳозирги ишнинг қайси жаҳатлари билан Сизнинг унга ром эдингиз?

— Олдинги лавозимларимда ишлаш ҳам мен учун мароқли эди. Тинимсиз ҳаракатда, излаш-изланишда бўлардим. Бу ерда ҳам шундай. Корхона кечачо-кундуз узлуксиз ишлайди. Техникалар мураккаб, замонавий. Айниқса, сифатга талаб жуда кучли. Бу ерда раҳбар ва мутахассисларнинг иш маромини белгилайди. Янгиликлар ҳам оз эмас.

Қўшма корхонамизда 1997 йилда республика ўзбекистон телевидениесига ҳам муносиб ўрин берилган. Энг янги хабарлар, фильмлар, спорт курсатувлари, жойлардан тургидан-турги репортажлар, мусиқа, сисбат, иқтисод, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, болалар учун мультфильмлар ва бошқа қатор қизқарли курсатувлар ESPN, OPT, ТВ-6, PTP, «V», АСТ, BBC, CNN, Star, Movies, Star World, Startoon, Network, DW, ТВ-Ц, НТВ ва бошқа кўпжа каналлар дастурларини тўлдирмоқда. Олдинги кечачо-кундуз ана шундай ёқимли курсатувлар ранг-баранг амборлар билан таъминланганини ўзи бўлмайди, албатта. Аммо ишнинг қизқарли эканлиги ҳам мана шунда. Биздан бизнинг тизимимизга уланган истаги билдирилган буюртмаларни қондирулма қоладиган пайтлар ҳам бўлади. Бу ранг-баранг албатта.

— Сиз тилга олганларингиз ҳаммаси корхонанинг ресурслари, албатта. Бироқ қўшма корхонанинг ҳама мижозлари ҳам улардан тўла фойдалана олмадиларми мумкин-ку?

— Агар хоҳласан, агар бизнинг имкониятларимиз йўл берса, ҳамма ҳам фойдаланиши мумкин. Аҳолига қўлай бўлиши учун, абонентларнинг хоҳиш-истаги ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бизнинг ҳамма каналларимиз дастурлар пакетига киритилган бўлиб, улар нархи ва мазмунига қараб табақалаштирилган. Масалан, энг арзон «Универсал» пакети бутун оилага мўлжалланган спорт, мусиқа, янгиликлар, кино, мультфильмлар, илмий-оммабоп каби те-

лестурлар жамланмасидан иборат (OPT, PTP, ТВ-6, MTV, «V», Startoon, TNT, ESPN, фильмлар канали). Битта қўндалоқ уйда яшовчи 12 нафар абонентнинг биргаликда буюртмаси билан ушбу пакет хизматидан

тарзда бизнинг пакетларимизга киритилади. Тўловни оширмаган ҳолда НТВни ҳам қўшиқ. Аниқ қилиб айтганда бўлса, «Универсал» пакетига уланган бир марталик 20 доллар бадал ҳақи ва 6,3 доллар оиллик тўловдан иборат бўлади. Табиийки, хизмат ҳақи Марказий банк белгилайдиган расмий курс бўйича сўмда олинади. Бизда дастурларни бепул улаш ҳоллари тез-тез бўлиб туради. Масалан, мустақилликнинг саккиз йиллиги муносабати билан имтиёз ва чегирилган қилинди. Хуллас, айтиш мумкинки, бу маса-

ла ҳам биз мамлакатимизда ўтказилган ижтимоий ҳимоя сифатида қатъий амал қилмоқдамиз. Бизда техник хизмат курсатиш сависиси ҳам юксак даражада. Абонентлар 065 рақамини терсалар ёки пунктларимиздан Бирита қалам ранжида қилсалар бас, буюртмалари зудлик билан ола этилади.

— Тўғри, бизнинг хизматимиздан фойдаланишга бугунги кунда ҳамминг ҳам қурби етавермади. Бироқ хизматимизнинг нархини унинг таннарих белгилайди. Таннарихга эса қимматбаҳо ускуналарни ва аксессуарларни ва лотга сотиб олиш, сунлий йўлдош орқали курсатувларни намоёни этиш билан боғлиқ тўловлар, барча дастурларнинг кечачо кундуз ишлаши, техникани янгилаш ва қайта жиҳозлаш, ижара тўловлари ва бошқалар киралади. Буларнинг мумкин эмас, албатта. Бир сўз билан айтганда, биз катта фойда олишга интиламиз, балки фойдангиз ҳаммаси тармоқни ривожлантириш, қайта қуриш ва иш сифатини оширишга кетади. Америкалик шеркларимиз ҳам бунга рози ва бир центни ҳам олиб кетмай, корхонани ривожлантиришга сарфлайдилар.

— Бундан бир йил илгари телерадио қўрилмалар эгаларингиз ҳаммасини қайта қўйишга олинган қарор қилганда, майда кабел телевидениеси студиялари ишламай қолган пайтда, уларга ўз ҳужайраларини техник меъёрага келтириш ва лицензия олиш тақдир этилганда, кабел телевидениесидан

олият турларини ўзлаштириш борасида қандай ишлар қилинапти?

— «Камалак ТВ» 1994 йилнинг бошларида Ўзбекистонда биринчи марта янги хизмат турини тақдир этиди. Бу шахсий радиочақирув ёки пейжер алоқаси эди. Истерьжонлар дарҳол бўлмасда, аммо уни яхши қабул қилди. Ҳозир бизнинг операторимиз 12 мингдан зиёд пейжерга хизмат кўрсатмоқда. Самарқанд, Андижон, Бухоро, Фарғона, Наманган ва Нукусда пейжер алоқаси филиаллари очилган. Ушбу алоқанинг Тошкентдаги оператори яқинда ўз савло маркаси ва «Турон Линк 067» позивнойни олди. Бу хизмат тури ривожланишда давом этапти. Бошқа лойиҳаларни амалга ошириш ҳам режамизда бор. Чунончи, бу йил Тошкентда 8 тагача телевизион канални ўтказиш қувватига эга булган замонавий даражадаги умумшаҳар кабел телевидение тармоғини қуришга киришгани мўлжалламоқдамиз. Кейинчалик, 2000 йилда камлада яна бешта канал очилиш ва уларнинг умумий сонини 24-25 тага етказиш режалаштирилмапти. 60 минг хонадонни улаш учун кабел телевидениесининг янги тармоқларини қуриш мўлжалимиз бор. Энг қизиқари дастурларнинг давлат тилига таржима қилиш қўлида тутилмоқда. Умид қиламизки, 2002 йилга бориб «Камалак ТВ» камлада 200 минг хонадонга хизмат қиладиган бўлади. Бунинг учун ҳозирдан зарур чоралар қўрилмоқда.

Бироқ бизнинг ўзимизга яраша қийинчилик ва муаммоларимиз ҳам бор, албатта. Абонентлик ускуналарини бир марома, узлуксиз келтиришнинг иложи бўлмапти, тақдирларимиз юз бериб турибди. Абонентларнинг антенналарини ўйирлаб кетиш, кабелларга зарар етказиш ҳоллари барҳам берилмапти. Бу масалаларни ҳал этиш ҳаракатимиз. Жумладан, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйди. Антенналарни ўйирлаб кетиш ҳоллари қамалиди. Ускуналарни таъмирлаш йўлга қўйди. Маркетинг хизмати қўнатирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, корхонамизнинг нуфузи жаҳон андозлари талабларига жавоб бериши, барча абонентларимизнинг хизматимиздан қўнғиллари тўлиши учун ҳамма зарур ишларни қилаётишимиз. Мақсадимиз шуки, бизнинг ҳар бир дастуримиз барча хонадонларга хурсандчилик олиб кирисин.

А. КУДИНОВ суҳбатлашди.

Advertisement for «СУРХОН АДЖАНТА ЛТД» (Sukhona Adjanta LTD) featuring a large decorative background with intricate geometric patterns. The text includes: «СУРХОН АДЖАНТА ЛТД» қўшма корхонаси, Ўзбекистон халқини сўнмас маънавий обида, Алпомиш достонининг тантаналари билан муборакбод этади. The logo features a bird (Alpomish) with the text ALPOMISH 1000.

Мухаммад Низо Эрнӣбёк Угли, адабий таҳаллусласи Оғаҳий нафакат Хоразм, балки Марказий Осиё халқлари тарихини ҳаққоний ёритишда ўзининг қимматбахо ҳиссасини қўшган забардаст тарихчи эди.

Оғаҳий тарихий ижодий меросини ўрганиш борасида объектив ва субъектив сабабларга қўра жуда кам иш қилинган. Авлодларимиз қолдирган бой тарихий меросни ўрганиш тоталитаризм даврида турли қолипларга солиниб, таъкиклиниб келинган. Бу асарлар «Араб графикасида ёзилган, «диний ақидалар мавжуд» деб айбланиб, ўқишга, ўрганишга руҳсат берилмай келинди.

«Араб графикасини ўрганиш капитализмга қайтишди» — шiori билан ушбу графикада ёзилган дери барча қимматбахо китобларимиз куйдирилди, йўқ қилинди. Булар қаторида Оғаҳий бобомизнинг китоблари, қўлемлари ҳам бор эди.

Биз тарихимизни ўз кўзи билан кўриб, воқеалар ичида бўлиб китоб ёзган тарихчиларимиз иккони ўрганишга фақат республикамиз мустақилликка эришгандан кейингина муваффақ бўлди.

Президенти И. А. Каримов тарих фанининг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни, уни ҳаққоний ёритиш ҳақида тўхталиб, «Тарих хотираси халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллатнинг ўзиники англанган, таъбир жон бўлса, миллий ифтихорини тиклаш ва ўстириш жараёнида гоят муҳим ўрни тутди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айлиб бормоқда. Буюк аждоғларимиз иллари ва жасратлари тарихий ота-бизнинг жолағирлиги, яни фуқаролик онгини шакллантирмоқда» деб таъкидлаган эди. Оғаҳий бобомизнинг тарихшунослик соҳасидаги хизматларини ўрганиш ва унга амал қилиш бунга яққол мисол бўла олади.

Оғаҳий яшаб ижод қилган давр (1809-1874) Мухаммад Раҳимқулхон I, Оллоқулхон, Раҳимқулхон, Мухаммад Амин II, Саид Абдулла, Қулмурад Инок, Саид Мухаммадхон, Мухаммад Раҳимқулхон II ҳонлик қилган даврларга тўғри келади. Бу давр Хива хонлигини билан Эрон, Бухоро, Россия муносабатлари кескинлашган оғир бир давр эди. Мамлакат ичида ҳам турли уруғлар ўртасида низо ва аловатлар, иёён ва қўзғолонлар

Раҳимқулхоннинг туғилишидан унинг хонлик тахтига чиққунгача бўлган воқеаларни, иккинчи қисмида эса Раҳимқулхоннинг хонлик тахтига чиққандан бошлаб, то унинг вафотигача бўлган даврдаги воқеаларни акс эттиради. Оғаҳийнинг «Жомеъ ул-воқоети сultonий» (яъни «Султонга бағишланган воқеалар мажмуаси») асари Хоразм тарихига оид муваққил ёзган асарларнинг учинчиси.

Навоий ва Жомий даврдаги машҳур тарихчилардан Мирхонд ва Хондамир томонидан ёзилган «Рават ус-сафо» асарини форсчадан ўзбекчага таржима қилган ҳам Оғаҳий бобомиздир. 1873 йилда рус шарҳуноси А. Л. Кун Хива кутубхонасида Оғаҳийнинг тарихий асарлари билан танишиб «Туркистонские ведомости»нинг 40-сониде муҳим маълумотлари келтирилди.

Оғаҳийнинг асарлари билан таниш бўлган машҳур тарихчилардан В. В. Бартольд, П. П. Иванов, А. Ю. Якубовский, Яхъ Гуломов, К. Мировлар унинг яратган асарлари ўз даври учун қимматбахо эканлигини, муаллифини забардаст тарихчи сифатидаги хизматини таъкидлаб ўтганлар. Жумладан, В. В. Бартольд ўзининг «Туркистоннинг мадания ҳақи тарихи» китобида Мунис ва Оғаҳийнинг адабий ва тарихий асарларига баҳо бериб: «Мунис ва Оғаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий воқеаларни баён этиши ва уларда келтирилган аниқ маълумотларнинг қўлиги жиҳатидан Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихига доир бизга етиб келган ҳамма нарсаларни ўзидан анча орқанда қолдиради», деб ёзган эди.

Оғаҳий бобомиз қолдирган бой тарихий меросини ўрганиш ва у билан кенг халқ оммасини таништириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Назозат МАТКАРИМОВА, Урганч Давлат университети ўзбек филологияси ва тарих факультети талабаси.

Шундай қилиб, Оғаҳий Хива хонлиги тарихини ёзиш бунчага ўз устози Мунис томонидан бошланган бу катта ишнинг давом эттириши ва 1813 йилдан 1872 йилгача Хоразмда бўлган воқеаларни батафсил баён этиши бешта мустақил тарихий асар яратди.

Оғаҳийнинг тарихий асарлари фақат Хоразм халқлари тарихи сифатида эмас, балки барча Марказий Осиё халқлари тарихини, бу давлатларда яшаган халқлар маданияти, санъати, урф-одати, дунёқарши, ҳунармандчилиги ва бошқа соҳаларини ўрганишга да қимматли асар ҳисобланади.

Уша давр ниҳоятда қарам-қаршиликларга ва зиддиятларга тўла бўлишига қарамасдан Оғаҳий ўрганган бар-

«Аёлни улуглаймиз» танловига

ЖАРРОХ ТИФИДАГИ МАЛХАМ



Тўхтаҳон опанинг иш вақти тугаб, андиғина уйга кетиш таррадуғига тушган эди телефон кўнгируги жиринглаб қолди.

— Ассалому алайкум, Тўхтаҳон Қодирова. Яхши-ки, ҳали кетиб қолмаган экансиз, — деди телефондаги овоз. — Ҳозиргина бир аёлни келтиришди. Аҳоли оғир. Ерданингиз зарур...

Кўнгируги қилган аёл вилоят тўғруқхонасидаги гематолог бригадининг навабчи шифокори эди.

Тўхтаҳон опа етиб борганида навабчи шифокор-гинеколог беморнинг ҳолати ҳақида қисқача маълумот берди. Бемор — ўн саккиз ёшли келин бўлиб, биринчи ҳомиладорлик даврида, қон босими ортиб, қони қуюқлашиб кетган, оқларидан иш бор. Тугишга ўн ҳафта мудат қолганда қаттиқ талваса ва иситма билан оғир ҳолатда шифохонага келтирилган. «Демак, булжақ она ва боланинг ҳаёти хавф остиди». Бу уй Тўхтаҳон опанинг ҳаёлидан ўтди. Вазиат жиддий эди.

«Бундай пайтда ҳеч қандай муъжиза кутиб бўлмайди. Қатан аёқ ҳарқат қилмоқ лозим. Зеро, кичик бир хато ҳам мушхир оқибатга олиб келиши мумкин».

Беморни жарроҳлик хонасига олиб киришди. Зудлик билан иш бошланди.

Навабчи шифокор-гинеколог, гематолог-шифокор ва бошқа ёрдамчилар билан бир-галикда бир ярим соат давомиде бир эмс, балки икки инсон умри учун ҳаёт-мамат жангини олиб бордилар.

Тўхтаҳон опанинг бутун фикри-зиқри жарроҳликни бекаму кўст, ҳатосиз ўтказишга бўлди. Ниҳоят, она қорнидаги гўлагини эҳтиёт билан олиб, шифокор-гинеколог ёрдамчилари узатди, бир зумдан сўнг дунёга келган ўғил боланинг инга-ингаиси жимликни бузди. Жароҳатни тикиб, беморнинг ҳолатидан хотиржам бўлган Тўхтаҳон опа ўзини енгиш ҳис қилди...

Тўхтаҳон Мухиддинованинг иш фаолиятида бу каби воқеалар леари ҳар кун учрайди. Инсон умри хавф остиде қолган келларда у ўзининг ўттиз етти йиллик тажрибасига таяниб иш олиб боради.

Кўринишидан урта бўйли, туладан келган, юзидан нур ёғилиб турадиган Тўхтаҳон опа соддагина аёл. Шундай мунис чеҳради, тилиридан бол томадиган, оидийгина ўзбек аёлининг бири-бирдан мураккаб жарроҳлик ишларини

ни бажара олишига бир қарашда ишонгинг келмайди. Дилдан кечган уйлари яшира олмади, Тўхтаҳон опага юзландим.

— Гапнинг очигини айта қолай, — дейди Тўхтаҳон Қодирова. — Касбимиз ниҳоятда ноиз ва масъуляти. Бу касба кўполик ҳам, доқайлик ҳам ярамайди. Ундай одамлардан жарроҳ чиқмайди аслида. Инсон танаси, тўғрироғи минг азоб оргини бошидан кечираётган аёллар жарроҳлигини анчагина мураккаб иш. Ахир бу пайтда булжақ она ҳаёт ва ўлимнинг ўртасида турган бўлади.

Тўхтаҳон опа билан суҳбатимиз ана шу тарих бошланди. Мен опанинг ҳаёти, фан докторлиги даражасига қандай эришганини билан қизиқдим.

Тўхтаҳон опа билан суҳбатимиз ана шу тарих бошланди. Мен опанинг ҳаёти, фан докторлиги даражасига қандай эришганини билан қизиқдим.



— Раҳматли далам Абдуқодир Мухиддинов ўқимини, илмга чанқок инсон эди. — дейди Тўхтаҳон опа. — Болалик йилларим ўзим туғилиб ўтган Маҳкамат тумани марказида ўтган. Мактабда ўқиб юрган йилларим келажакда қайси касбини эгаллашм мумкинлигини ҳақида аниқ бир тасаввурим йўқ эди. Аммо бир воқеа содир бўлди-ю, мен келажакда албатта шифокор бўламан, деган орзу-мақсадни олдимга қўйдим. Яъни, онам кичик укамга оғирроқ бўлганда жуда оғир хасталикка учраган эди. Шунда Шафра Абромовна исмли гинеколог-шифокор онамни ўлимдан асраб, укамга ҳам ҳаёт бахш этган эди. Ушунда мен шифокорлик қандай касб эканлигини тушуниб етдим. Мактабни тамомлаганимдан кейин Андижон тиббиёт институтининг даволаш кулиётига ўқишга кирдим.

Институтни 1962 йилда тамомлаб Андижон шаҳридаги I-тўғруқхонага (у пайтда Андижон шаҳрида ягона тўғруқ уйи бор эди, ҳоло) ординатор-шифокор бўлиб ишга келдим. Икки йилдан сўнг бўлим мудиригига тайинланди. Кейин институтга тақлиф қилиниб, Аспиратурга ўқишга кириб, «Фаргона волиёидада истикомат қилдиган аёлларнинг ҳомиладорлиги даврида қалқонсимон бев функцияси бузилган ҳолатда оқил моддалар-

нинг қандай таълим тизимида амалга ошириш усуллари ва тажрибалари билан танишди. Бундан кейин семинар-машғулотларига олий ўқув юрталарининг прокторлари, деканлари ва кафедра бошлиқлари навабти билан тақлиф қилинади.

Семинар-машғулот қатнашчиларининг республикамиздаги турли вазириклар раҳбарлари билан мулоқотларини уюштириш ҳам режалаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲОДИЙ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Хукук — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибиёт — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0820, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютерида терида ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навабчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навабчи муҳаррир — И. ХУДОЁЕВ.
Навабчи — М. ҚОСИМОВА.
Мусахҳиҳ — Ш. МАШРАББОВЕВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилади — 21.00
1 2 3 4 5 6

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиетлар вазирлигида асрмизнинг забардаст ёзувчиси, Марказий Осиё халқлари Ассамблеяси Президентини, Киргизистон Кахрамони Чингиз Айтматов ва талантили шоир, Республика Ёзувчилар уюмаси раиси, Ўзбекистон Кахрамони Абдулла Орипов билан учрашув бўлиб ўтди.

АДИБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тадбирин Фавқулодда вазиетлар вазири, генерал-майор Баҳодир Қосимов олиб борди. Вазир Чингиз Айтматов ижоди ҳақида тўхталиб, унинг асарлари ҳар бир инсон қалбидан ҳуқур жой олгани, дунёнинг барча давлатларида таржима қилиниб, севиб ўқилаётгани, у киши ҳаммамизнинг фахримиз эканини айтиб ўтди.

Чингиз Айтматов йиғилганлар хузурда сўзга чиқиб, шу кунларда республикамизда сайловларга тайёргарлик қилиниш давом этяётгани, ҳуқуқий демократик тамойилларга тўла амал қилинаётганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, у Марказий Осиё давлатлари аварижа-кутқарув кучлари мингтақа аҳолисини табиий офтлардан ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ҳамкорликни яхши йўлга қўйишни фақат ижобий самара беришини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Кахрамони Абдулла Орипов сўз олиб учрашув ниҳоятда қизиқарли ва мазмунли ўтганини, бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб турни ҳар томонлама фойдалани эканлигини таъкидлади. Адиблар учрашув қатнашчиларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб беришди.

Азамат СУЮНОВ.

ЭЗГУЛИКНИНГ БАҲОСИ — НОБЕЛ МУКОФОТИ

Шу йил 15 октябрь кунин Норвегиядаги халқаро Нобел мукофотини таъсис этишчи «Чегара билмас врачлар» (Medecins Sans Frontieres-MSF) халқаро инсонпарварлик ташкилотига 1999 йилининг Нобел мукофотини тақдим этишга қарор қилди.

1971 йили бир гуруҳ француз врачлари томонидан ташкил этилган «Чегара билмас врачлар» ҳозирги кунда дунёдаги ягона нодавлат тиббий инсонпарварлик ташкилотидир. У дунёдаги ёрдамчига 80 дан ошқ давлатларда тиббий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга ҳуқуқлидир. У инсонлик ҳуқуқига таъжуб этилаётганларнинг номидан мурожаат этиб, жамоатчиликнинг диққат-этиборини муайян танг аҳолида қолган одамларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга геноцидлар, урушлар, инсонлик ҳуқуқига таъжуб этиш, ҳарбий ва миллий жиноятларга қарши чиқди.

«Чегара билмас врачлар» ташкилоти икки йилдан бери, жумладан, республикамизда ҳам соғломлаштириш ишларини олиб боришти. «Оролбуйи» дастури бўйича республика Солиқни сақлаш вазири ва Жаҳон солиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда Қораллоқотининг Кўнгирут ва Муйноқ туманларида соғломлаштириш ишлари олиб бориляпти. Шу йилнинг август ойидан бошлаб эса Туркменистоннинг Тошўзга вилоятида навабтаги босқич соғломлаштириш ишлари бошланди. «Чегара билмас врачлар» Оролбуйи аҳолисининг соғлигини тиклаш, тиббий шароитни яхшилаш, ҳудудда кенг тарқалган юқумли касалликлар — сил ва ўткир ичак хасталигига чалинган беморларни даволашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун халқаро DOTS

нади. Бугунгача 25 нафар ўқувчи ана шундай танлов асосида қабул қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда ёшлар тахсил берувчи мураббийлар ҳам алоҳида танлов асосида ишга олинди.

Маъзур таълим даргоҳи Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида ташкил этилган бўлиб, соғлом авлодни камол топтиришга алоҳида ҳисса бўлиб қўшилиди.

Салима ГАМИРОВА.

ТАЪЛИМ РАҲБАРЛАРИ СЕМИНАРИ

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган улкан вазирилар амалга ошириш мумкинлиги жойлардаги бевосита таълим жараёни раҳбарларининг замонавий маънаси ва тайёргарликларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Худди шу фикрдан келиб чиққан ҳолда, республика Олий ва ўрта махус таълим вазириликни ўқув юрталари раҳбарларининг бир ҳафта давом этадиган, 36 соатлик малака ошириш курсларини ташкил этди.

Мунтазам равишда ўтказилиб туриладиган маъзур семинар-машғулотларининг дастлабисиде 25 нафар олий ўқув юрталари ректорлари қатнашиб, улар Қадрлар тайёрлаш миллий дастури бунча таълим тизимида амалга ошириш мумкинлиги, илгор педагогик технология усуллари ва тажрибалари билан танишди. Бундан кейин семинар-машғулотларига олий ўқув юрталарининг прокторлари, деканлари ва кафедра бошлиқлари навабти билан тақлиф қилинади.

Семинар-машғулот қатнашчиларининг республикамиздаги турли вазириклар раҳбарлари билан мулоқотларини уюштириш ҳам режалаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ҲУРМАТЛИ ПАХТАКОРЛАР!

«ГУФИК-АВИЦЕННА» қўшма корхонаси пахта йғим-терими мавсумида сизларга улкан меҳнат зафарлари тилайди.

«ГУФИК-АВИЦЕННА» қўшма корхонаси соғлиғини ҳақида қабул, пахта терими даврида сизни молиқшидан асрайдиган gopu-гармонлари тақдир этмади.

РУПРОКС катсульталарини врач таъсисига қўра, кунинга бир-икки маҳал, овқатдан кейин истеъмол қилсангиз **Белинзагаги, мускул ва сунж бўғиналарига оғриқ, бош оғриғи ва шамолчи хасталиқлардан** фориғ бўласиз.

ТЕДИНА таблеткасини аллергия ринит, кўз ва бурун қичиши, шунингдек, умумий шамоллашларда истеъмол қилинг.

Бизнинг препаратларимиз меҳнатда лойқатмаллини яхши сақлабди, иш пахтага уйқув молиқшини йўқотмади.

Ушбу иккита дори пахта йғим-терими мавсумида абзон нархларга сотилади.

Иш ўтган, сунж хасталиқлари билан оғриқни кичиратиш
РУПРОКС катсульталарини ёрдамчи довланиш
кўришга ўши таъсис этилади.
Беморлар шунингдек ўшиларда витаминлик, иш қилишга ҳаётини қайтарилади

Иш ўтган, сунж хасталиқлари билан оғриқни кичиратиш
РУПРОКС катсульталарини ёрдамчи довланиш
кўришга ўши таъсис этилади.
Беморлар шунингдек ўшиларда витаминлик, иш қилишга ҳаётини қайтарилади

«ГУФИК-АВИЦЕННА» — БУ СИЗНИНГ СОҒЛИҒИНГИЗ ҲАҚИДА ФАҚАТ РАҲБАР.

БИЗНИНГ ДОРИ-ДАРМОНЛАРИМИЗНИ ЎЗ ШАҲРИНГИЗ ДОРИХОНАЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Заводимиз ва бош оғриқимиз манзили:
Бухоро шаҳри, Номозоқ кўчаси, 74.
Тел.: (8652) 226-17-30, 226-47-41, 226-14-11.

«ГУФИК АТД» — ине Тошкентдаги Ваколатхонаси:
Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51.
Тел.: (3712) 68-93-40, 68-24-29.

ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР БҲИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИДА

1999 йил 25 октябрь кунин соат 15 да банкорт деб эълон қилиш мўжжаланаётган НПО «СИГНАЛ» очик турдаги акционерлик жамияти кредиторларининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Кредиторларни қуйидаги манзилга келишларини сўраймиз:
Тошкент ш., Амир Тамир кўч., 24-уй, 4-қават, 408-хона т. 139-23-95. НПО «СИГНАЛ»

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси шахсий таркиби ДБК Миллий кинология маркази бошлиғи ўринбосари Миралуз Жалолова оталари Азим ота ЖАЛОЛОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари ортопедик стоматология кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Сайфуддин Алимовга умр йўлдошлари Мухаббат НАЗАРОВАнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирилик жамоаси Қашқадарь вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Эркин Солиқовга отаси Жаббор СОДИҚОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирилик жамоаси Қашқадарь вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Эркин Солиқовга отаси Жаббор СОДИҚОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.